



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1989 йил 11 декабрдан
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 52 (9548).

1989 йил 16 март • пайшанба •

Баҳоси 4 тийин.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1989 йил 15 март кунин КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми ўз иштини бошлади. Пленум муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилган:

1. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидан СССР халқ депутатлари сайловини ўтказиш тўғрисида.

2. Партиянинг ҳозирги шароитдаги аграр сиёсати тўғрисида.

Пленумда КПССдан СССР халқ депутатлигига номзодлар ҳозир бўлдилар.

КПССдан СССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи сайлов комиссиясининг раиси В. А. Кон-

тиг биринчи масала юзасидан ахборот берди. Бу ахборот матбуотда эълон қилинмоқда.

Сўнгра овоз беришга киришилди, унда КПСС Марказий Комитетининг аъзолари, КПСС Марказий Комитети аъзоллигига кандидатлар, КПСС Марказий ревизия комиссиясининг аъзолари, шунингдек, иттифокдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг, ўлка ва область партия комитетларининг биринчи секретарлари, иттифокдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг иккинчи секретарлари, иттифокдош республикалар Олий Советлари Президиумларининг Раислари ҳамда Министрлар Советларининг Раислари, министрлар, КПССнинг

марказий органлари составига кирмаган, аммо сайлаб қўйилган бошқа партия органларининг аъзолари бўлган ҳарбий округларнинг кўмондонлари қатнашдилар.

Яширин овоз бериш натижасида номзодларнинг ҳаммаси Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидан СССР халқ депутатлари этиб сайландилар.

Пленум КПССдан СССР халқ депутатларига нақзалар тўғрисида қарор қабул этди, бу қарор матбуотда эълон қилинади.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев партиянинг ҳозирги шароитдаги аграр сиёсати тўғрисидаги масала юзасидан доклад қилди. Ушбу масalani муҳокама қилишда қатна-

шиш учун Пленумга қишлоқ райкомлари секретарларидан, колхоз раисларидан, совхоз директорларидан, ижарачилар, олимлардан ҳамда агросаноат комплексининг бошқа ходимларидан бир группаси таклиф этилган.

Пленум қатнашчиларига КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси КПСС XXVII съезди билан XIX Бутуниттифок партия конференциясининг йўл-йўриқларидан келиб чиқиб тайёрлаган партия аграр сиёсати масалаларига доир ҳужжатларнинг лойиҳалари билан олдиндан танишиб чиқиш имконияти берилди.

16 март кунин КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз иштини давом эттиради.

КПССнинг ҳозирги шароитдаги аграр сиёсати тўғрисида

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. ГОРБАЧЕВнинг

1989 йил 15 мартда КПСС Марказий Комитети Пленумида қилган доклади

Ўртоқлар! Жамиятимизда Марказий Комитетнинг ушбу Пленумига катта умид боғламоқдалар. Пленум шундай аграр сиёсатини ишлаб чиқиши ва халққа тавсия этиши лозимки, бу сиёсатнинг амалга оширилиши деҳқонларнинг ора ҳўжайинлигини тиклай олади, озиқ-овқат муаммосини пухта ҳал қилган бўлиши керак. Бу ишда энди сусташликка мўтлақо йўл қўйиб бўлмайди. Масаланинг шу тарзда қўйилишини мамлакатда юз берган реал вазият, қайта қуришнинг умумий вазифалари тақозо этмоқда.

Бизга қишлоқни ривожлантиришдаги тўб ўзгаришларни — сиёсий, иқтисодий, социал, маданий ўзгаришларни, жамиятимиздаги фаолиятининг энг асосий соҳаларидан бирида тўпланиб қолган муаммоларни энг яқинда муҳлатда ҳал қилишни таъминлайдиган, шу тариқа қишлоқ меҳнатчиларини ташаббуслари учун кенг уфқ очиб берадиган аграр сиёсат керак.

I.

Биз аграр сиёсат тўғрисида таъкидлашда шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги ва қишлоқнинг ўзидаги муносабатларни шакллантириш ва тартибга солиш йўллари,

мақсадлари, воситалари ва усулларини, энг муҳими эса — озиқ-овқат масаласини биринчи навбатда ҳал қилишни кўзда тутамиз.

Аграр ўзгаришларни ҳозир амалга оширишдаги сиёсий ва иқтисодий ислохотдан ажратиб бўлмайди, инсоннинг хилма-хил эҳтиёжларини қойиб қўлиб, унинг меҳнат ва социал активлигини рўбга чиқариш бу ислохотнинг марказида турибди. Жамиятимиз турмушини революцион тарзда янгилаш, демократиялаштириш, ҳўжайинлик юртининг янги идеологиясини вужудга келтириш тўғрисида, экономикасининг юқори самарали аграр секторини яратиб бўлмайди. Худди шу каби қишлоқдаги тўб ўзгаришлар мамлакат иқтисодий ва социал тараққиётининг мажбурий шартидир.

Бошқача қилиб айтганда, ҳозирги аграр сиёсат — қандайдир ўзига хос — тор дорадаги, маҳкамачилик тармок доирасидаги бир нарсас эмас. Йўқ, ҳозир аграр сиёсат бутун сиёсий йўлнинг энг асосий қисми.

Пировард натижада замонавий аграр сиёсатини ишлаб чиқишнинг умуман социализм тўғрисидаги ва унинг социал-иқтисодий ислохотлари тўғрисидаги янги тасаввурларни шакллантиришдан ажратиб бўлмайди.

Маълумки, Пленумга тайёргарлик анча олдин бошланган эди. Аграр муаммолар партияда, илмий доираларда, мутахассислар орасида кенг ва ҳар томонлама муҳокама қилинмоқда. Айни мумкинли, ўртоқлар, бу ҳаётий масалаларни бутун мамлакат муҳокама қилмоқда.

Сиёсий бюро биз учун жуда зарур бўлган ана шу мунозарани фақат диққат билан кузатиб турмади, уни ҳар томонлама рағбатлантирди, биз ҳал қилишимиз лозим бўлган мураккаб муаммоларнинг моҳиятини мумкин қадар чуқурроқ кириб бориш учун бу масалага ижодий, амалий ёндашув муҳитини вужудга келтиришга ҳаракат қилди. Хилма-хил мулоҳазаларни, таклифларни, нўқтан назарларни — баъзан эса бир-бирга мўтлақо эйд бўлган нўқтан назарларни ўз ичига олган жуда катта ҳажмдаги материал таҳлил қилинди.

Ушбу Пленумдаги доклад ва қўлинидаги тегишли ҳужжатларнинг лойиҳалари умумий таъкидлаш, муҳокамасининг якунидир, дейиш тўғрисида бўлди, деб ўйламан.

Марказий Комитетнинг ушбу Пленумида биз жамиятининг тобора ошиб бораётган эҳтиёжларига мос келадиган, ўз муҳлатда муҳаллаған ва илмий жиҳатдан асосланган аграр сиё-

сатни ишлаб чиқиш учун назарий, сиёсий ва амалий масалалар чуқур, омилкорлик билан қўриб чиқишга умид қилмоқдамиз.

XIX Бутуниттифок партия конференциясининг делегатлари мамлакатни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашнинг аҳволи тўғрисида нақадар ташвишланиб таъкидлашлари ҳаммаимизнинг эсимизда. Ушунда биз бу муаммони жамиятимиз турмушининг энг озиқ нўқтаси, деб атаган эдик. Яқинда бўлиб ўтган партия ҳисобот-саноати йилгишлари ва конференцияларида ҳам бу ҳусусда катта ташвиш билдирилди. Ҳозир сайлов кампанияси чоғида меҳнаткашлар бу масалаларни ўртага ўтқир қилиб қўймоқдалар.

Воқегаимиз шундайки, қишлоқ ҳўжайин маҳсулотлари бизга етишмаяпти. Давлат чет эллардан дон, гўшт, мева, сабзавот, қанд, ўсимлик ёғи ва бошқа баъзи маҳсулотларни қўллаб ҳарид қилишга мажбур бўлмоқда.

Меҳнат унумдорлиги жиҳатидан ҳам, даладорлиги унумдорлиги жиҳатидан ҳам, чорва маҳсулдорлиги жиҳатидан ҳам, озиқ-овқат маҳсулотлари хилма-хиллиги ва сифати жиҳатидан ҳам биз ҳамон ривожланган катта мамлакатлардан ордада қолмоқдамиз. Бу тафовут қисқараяпти, балки ортб бормоқда.

Озиқ-овқат маҳсулотларининг етишмаслиги социал кескинлики вужудга келтирмоқда, шунчаки гап-сўз эмас, балки одамларнинг норозилигини келтириб чиқармоқда. Озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдаги бундай аҳвол кўп йиллардан буйи давом этмоқда.

Бу масалаларни биз олдин кўрмаганимиз ва шугулланмаганимиз, деб ўйламанг. Мен ҳатто бундай деган бўлур эдим: Марказий Комитет ва ҳўкумат халқ ҳўжайинлигида аграр соҳага нисбатан кўпроқ шугулланган бирорта ҳам бошқа муаммо йўқ.

Сўнгги 20 йил ичида аграр сектор жуда кўп ре-сурсларни — капитал маблағини, ҳам, техникани ҳам, минерал ўғитларни ҳам олди. Ерларни мелiorациялашнинг катта программаси амалга оширилди. Лекин кўрилган бу чоралар назарда тутилган самарадорликка, кўтилган ўсишга олиб келмади.

Шу вақтга қадар биз озиқ-овқат масаласини тўбдан ҳал қила олмадик. Ҳудди катта имкониятларга эга бўлган мамлакатимизда аҳвол ана шундай!

Бизда энг асосий миллий бoлгиимиз — ер фонднинг асраш ва ундан оқилона фойдаланиш иши жуда қўлинида аҳволда. Сўнгги 25 йил ичида ўзлаштирилган экинзорларнинг 22 миллион

гектари ишдан чиқди, шундан салкам 12 миллион гектари саноат қурилиши ва йўлларга ажратилди, 6 миллион гектардан кўпроқ ерлар эса ташландиқ бўлиб қолди ва у ерларда буталар ўсиб етибди. Айни бир вақтда миллионлаб гектар янги ерларни ўзлаштиришга жуда катта маблағ сарфланди.

Кўп регионларда даладор унумдорлиги пасайиб кетмоқда. Ҳудди миллион гектардан кўпроқ сугорилмаган экинзор — ҳар бир давлатнинг «олтин фонди» — ҳўжасизлик оқибатида амалда бoрoртдан тушиб қолди. Бунга сўнгги йилларда йил ичида гидростанциялар қурилишининг ўйланмай тузилган лойиҳаларини амалга ошириш натижасида мамлакат 10 миллион гектардан кўпроқ пичанзор ва йилловлардан маҳрум бўлганлигини илова қилиш керак.

Қишлоқ ҳўжайин маҳсулотларининг қўллаб нобуд бўлаётганлиги таъкидлаш уйғотмоқда. Қишлоқда етиштириладиган маҳсулотларнинг 20 процентига бўлган қисми, баъзи маҳсулотларнинг эса 30—40 процентига экинчи маҳсулоти оқибатида нобуд бўлмоқда.

Қишлоқ социал ва маданий ривожланиш жиҳатидан шаҳардан жуда ордада қолди кетди. Яхши йўлларнинг йўқлиги ҳамма регионлар учун муаммодир. Но-

қоратупроқ зона учун эса бу — кулфатнинг ўзидир. Қишлоқнинг замонавий қулай уй-жойлар, коммунал хўз-мат, мактаблар, медицина, маданият муассасалари билан таъминланиши жуда ёмон. Одамлар энг зарур масалаларни ҳал қилиш — тиббий ёрдам олиш, энг оддий маиший хўз-мат фойдаланиш, оддий буюмларнинг харид қилиш учун қўлчица ўйлаб ва ҳатто юзлаб километр йўл босишга мажбур бўлмоқдалар.

Эҳтиросларни авж олдирмай айтишнинг мумкинлиги, кўпгина регионларда аҳвол шу даражага бoриб етдики, одамлар ерни, қишлоқларни ташлаб чиқиб кетмоқдалар. Мамлакатнинг бир қанча областларида қишлоқ аҳолисининг қишчи жуда нозик нўқтаси етиб қолди.

Ҳўш, гап нимада? Нима учун биз кўрган чора-тадбирлар (уларнинг орасида жуда жиҳидли тадбирлар ҳам бўлди) кўтилган натижаларни бермади, қишлоқда зарур ўзгаришларни таъминламади? Ана шу асосий саволга жавоб топиш керак. Биз мамлакатнинг моҳиятига етиб бoришимиз, қишлоқларимиздаги, мамлакатни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдаги ҳозирги ўткир вазиятнинг илдизларини аниқлашимиз ва уни ҳал этиш йўллари топишимиз керак.

Бунинг учун тарихга му-

рожаат қилиш, жамиятимиз тараққиётининг турли бoш-қичларига аграр сиёсатга қандай ёндашилганлигини кўриб чиқиш, ундан иш-миш учун сабоқ чиқариб олиш фойдалидир.

II.

Деҳқонлар масаласи — революция назарини нўқтан назардан ҳам, янги жамият қуриш вазифалари нўқтан назардан ҳам партия сиёсатида ҳаммаи марказий ўрин тутиб келган.

Партия ишлаб чиққан аграр сиёсат, бoлшевикларнинг қишлоқда олиб бoртган жуда катта амалий фаолияти 1917 йил октябрида деҳқонлар оммасининг революция томонига, ишчилар синфи томонига бўлишини таъминлади. Совет ҳўкимиятининг дастлабки декретларидан бири — Ер тўғрисидаги декрет ана шу сиёсатнинг ифодаси эди, у ер масаласини меҳнаткаш деҳқонларнинг кенг позициясидан туриб ҳал қилиб берди.

Партия ҳатто граждaнлар урушининг оғир йилларида ҳам, бу урушнинг энг хатарли дақиқаларида ҳам қишлоқдаги ишчиларнинг аҳволини, ишчилар синфининг

(Давоми 2-бетда).

ПАРТИЯНИНГ ДЕПУТАТЛИК МАНДАТЛАРИ

КПССдан СССР халқ депутатлари сайлови

15 март кунин КПСС Марказий Комитетининг Пленумида Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидан СССР халқ депутатлари сайловини бўлди.

Сайлов бошланиши олдин КПССдан сайлов комиссиясининг раиси В. А. Контиг ахборот берди.

СССР халқ депутатлари сайловини тўғрисидаги Қонунга ва КПСС Марказий Комитетининг 1989 йил 10 январдаги Пленумида қабул қилинган қарорларига мувофиқ, леди у, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидан СССР халқ депутатлари сайловини ўтказиш лозим. КПССдан халқ депутатлигига номзодлар кўрсатилиб, улар рўйхатга олингандан кейин орадан икки ой вақт ўтди. Бутун сайловдаги кампаниясини КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига сайловдаги Мурожаатномада баён этилган аниқ-рашан, реалистик сиёсий платформага асосланди. Бу ҳужжат партия амалда жамиятининг авангарди, раҳбар кучи сифатида иш кўраётганлигини яна бир бор намоён этди. Партия қайта қуриш йўлидан қатъий бoравериш, социалистик жамиятимизни ҳар томонлама демократиялаш, тўб иқтисодий ислохотини амалга

ошириш, Советлар ҳўкимиятини тиклаш, ҳудудий давлат қарор топириш орқали уни янгилашга эриша бoриш ниятидадир.

Мурожаатномада баён этилган ҳаракат программасини Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидан халқ депутатлигига ҳар бир номзоднинг программасига асос қилиб олди. Айни вақтда муштарак программанинг кўпгина жиҳатлари номзодларнинг ўз ишлари тажрибаси ҳамда уларнинг коммунистлар ва жамоатчилик билан учрашувлари вақтида бўлиб ўтган муҳокамалар асосида ана шу жиҳатларни рўбга чиқариш йўллари нўқтан назардан янада ривожлантирилди.

Шунинг қайда этиш керакки, деб таъкидлади нотик, нўқсонга етган сайловдаги кампаниясини уни ўтказиш барча бoш-қичларига янгилаш бўлаётган билан фарқ қилди. Номзодлар кўрсатилишдан олдинги бoш-қичда улар тўғрисидаги таклифларини ишлаб чиқишда 105 мингдан кўпроқ партия ташкилотли катнашди. Улар юқори партия комитетлари-

нинг кўриб чиқиши учун 31,5 минг номзодни таклиф этдилар. Бевосита КПСС Марказий Комитетига 12 мингтадан зиёд телеграмма, хат, йилгилиларнинг қарорларидан кўчирмалар келди. Маълумки, Марказий Комитетнинг январь Пленуми муҳокама қилиш учун тақдир этилган 312 номзоддан 100 нафар номзодни кўрсатган эди. Бу қарор бир овоздан қабул қилинган.

Ҳар бир номзод Пленумда алоҳида-алоҳида овозга қўйилишини биласизлар. Ўртоқ Лигачев номзоди хусусиданга бир киши бетараф қолди. Қолган ҳамма бир овоздан номзод қилиб кўрсатилди.

Сайлов комиссияси КПСС Марказий Комитетининг 1989 йил 10 январдаги Пленумининг СССР халқ депутатлигига номзодлар кўрсатиш тўғрисидаги протоколини, шунингдек Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидан овозга қўйилишга розилик тўғрисидаги аризани кўриб чиқиб, СССР халқ

депутатлигига номзодларнинг ҳаммаси СССР халқ депутатлари сайлови тўғрисидаги Қонунга мувофиқ кўрсатилганлигини аниқлади.

Комиссия Пленум СССР халқ депутатлигига кўрсатган барча номзодларнинг рўйхатга олди ҳамда сайлов тўғрисидаги қонунда белгиланган муҳлатларда номзодларнинг рўйхатини марказий ва маҳаллий партия матбуотида эълон қилди.

Умуман номзодларнинг состави партия составининг умумхалқ характерини, у жамият барча қатламларининг ва биринчи навбатда ишчилар синфининг манфаатларини ифода этишини кўрсатди. Социал жиҳатдан айни ишчилар КПССдан номзодларнинг энг кўп қисминини ташкил этади. Улар 26 кишидан иборат. Номзодлар орасида 7 нафар колхозчи бор, умуман эса саноат, қурилиш, қишлоқ ҳўжайинлиги, илмий моҳий ишлаб чиқариш соҳасининг ходимлари барча номзодларнинг қариб ярмини — 47 кишини ташкил

этади. Номзодлар орасида маданият, илм-фан, маориф ва соғлиқни сақлаш ходимларидан 22 киши бор.

Навбатдаги катта группани партия ҳодимлари ташкил этади — улар 21 киши. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолари ва аъзоликка кандидатлардан, Марказий Комитет секретарларидан 12 киши СССР халқ депутатлигига номзод қилиб кўрсатилдилар.

Корхоналар, колхозлар ва районлар партия комитетларининг бир қанча секретарлари ҳам жойларда ва Марказий Комитет Пленумида коммунистлар томонидан қўллаб-қувватландилар.

Номзодларнинг состави, деб таъкидлади нотик, партияимизнинг қўлмиллатли хусусиятини тарти даражада тўлиқ акс эттирди. Ёўйхатга олдингилар орасида барча иттифокдош республикаларнинг вакиллари, 23 миллат намоёндалари бор. 71 номзод олий маълумотга, 24

лар билан, партия ва пропаганда активлари, жамоатчилик билан учрашувлари бўлиб ўтди. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси шу кампаниянинг муҳимлигини эътиборга олиб, махсус қарор қабул қилди, бу қарорда иттифокдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетларига, ўлка, область партия комитетларига ана шу учрашувларни ташкил этиш ҳамда партия ташкилотларига тегишли ердан бeришни топириди. Бунда шунга эътибор берилдики, учрашувлар норасмий тусда бўлиб, КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатномаси асосида партия сиёсатини амалга оширишнинг муҳим масалалари кенг қўламада муҳокама этилишини таъминлаш лозим эди.

Буларнинг ҳаммаси депутатлиги номзодларнинг коммунистлар ҳамда меҳнаткашлар билан учрашувлари фаол ва кенг тус олишига қўмақлади. Депутатлиги номзодлардан ўфа шаҳридаги қурилиш ташкилотининг бригадирини З. С. Валева,

В. И. Ленин номидаги Верхняя Салда металлургия ишлаб чиқариш бирлашмасининг тоқари В. И. Громов, Каунас муйна ишлаб чиқариш бирлашмасининг бoш директори В. Ю. Левинкас, Олтой ўлкасидан «Алей» колхозини правлениеси раисининг ўринбосари В. Г. Филиппова ва бошқа кўпгина номзодлар партия коллективларида 10—15 тадан учрашув ўтказдилар.

М. С. Горбачев, Л. Н. Зайков, Е. К. Лигачев, В. А. Мельведев, В. П. Никонов, Н. И. Рыжков, Н. Н. Спoньков, В. М. Чебриков, А. Н. Яковлев, А. И. Лукьянов, Г. П. Разумовский, О. Д. Бакланов ўртоқлар мамлакатнинг турли регионларида меҳнат коллективлари, республика, ўлка ва область партия ташкилотларининг активлари билан учрашдилар. Учрашувлар матбуотда кенг ёритилди.

Партия ташкилотларида ва меҳнат коллективларида депутатлига номзодлар билан жами 845 учрашув бўлиб ўтди. Учрашувларда 155 минг киши қатнашди, 157 ярим мингдан зиёд киши сўзга чиқди.

(Давоми 5-бетда).

Иқтисодий муносабатлар-
қайта қуриш, планла-
мизни амалга ошириш ва
шлюкда ҳужалик юришти
рмаларининг ниҳоятда
лма-хиллигини таъмин-
ш учун вақт керак бўла-
албатта. Вазифани жун-
штирмай қўя қолайлик
ахир биз қишлоқ ҳаё-
лининг бутун укладини туб-
и ўзгартиришга киришмоқ-
миз.

